



adabiyot ISLAMONLINE.UZ

## Минг йиллик илдиэлар

Мумтоз ўзбек адабиёти дунё микёсида обрў козонгани кўпчиликка маълум. Факат адабиётимизга хос мумтозлик макomini унинг бадиий тилига нисбатан татбик этишда маълум бир муаммолар бор. Шу сабабли узок вақтлардан буён мумтоз адабиётимиз тилига нисбатан «чигатой тили» ёки «эски ўзбек тили» деган иборалар кўлланиб келинди.

Масалага ойдинлик киритиш учун адабий тилимиз тарихини янгича тафаккур асосида чуқур тадқиқ қилиш зарур. Бизнинг тилимиз мингйилликлар қаърига илдиэ отган қадимий тиллардандир.

Туркий тиллар ривожидида ўзбек тилининг ўзига хос тараккиёт йўли бор. Буни Алп Эр Тўнгадан то Амир Темургача ватанимиз тупрогида яшаб ўтган улуг аждодлар ёди адабий тил кўзгусида қандай акс этгани орқали илғаб олиш мумкин.

Турон заминнинг милоддан олдинги туркий тилида ёзилган Алп Эр Тўнга хақидаги дoston хали атрофлича тахлил этилгани йўқ.

Бу дoston бизгача тўлик етиб келмаган. Унинг беш юз сатрга якин парчалари Юсуф Хос Хожибнинг «Кутадгу билиг» дostonида ва Махмуд Кошгарийнинг «Девону луготит турк» асарида келтирилган.

Бу дostonга биринчи бўлиб катта эътибор берган оли-мимиз профессор Абдурауф Фитрат эди. Унинг «Энг эски турк адабиётининг намуналари» деб аталган ва 1927 йилда нашр этилган рисоласида Алп Эр Тўнгага багишланган 40 сатрли марсия, тангутлар билан Алп Эр Тўнганинг жангига оид 32 сатрли шеър, киш ва ёз манзараларига багишланган 86 сатрли шеърый тасвирларни адабий тилимизнинг энг кадимги намуналари деб бахоланди (А. Фитрат. Энг эски турк адабиётининг намуналари. Тошкент — Самарканд. 1927 й.).

Фитрат Алп Эр Тўнгага багишланган кадимий дoston парчаларини Юсуф Хос Хожибнинг «Кутадгу билиг» дostonидан ва Махмуд Кошгарийнинг «Девону луготит турк» китобидан олинганини кўрсатиб ўтади.

Москвалик шаркшунос олима И.В.Стеблева хам «Девону луготит турк»да келтирилган ва Алп Эр Тўнгага багишланган 348 сатр шеърни териб олиб, улар орасидаги мантикий богланишларни топади ва уларни минг йиллар давомида кўп кисмлари йўқолиб кетган улкан бир кахрамонлик дostonининг узвий бўлаклари деб бахолайди (И. В. Стеблева. Развитие тюркских поэтических форм в XI веке. М., 1971 й., 270-6.).

Бу олимларнинг «Алп Эр Тўнга» дostonига оид тадқиқотларини янги авлодга мансуб адабиётшуносларимиз М.Иброхимов ва Ш.Холматовлар давом эттирадилар. Бу ишларнинг якуни сифатида Абдурашид Абдурахмоновнинг сўзбоҳиси ва таҳрири билан 1995 йилда «Алп Эр Тўнга ёки Афросиёб жангномаси» деган китоб нашр этилади.

Бу китобнинг кириш кисмида Алп Эр Тўнгага куйидагича баҳо берилади: «Алп Эр Тўнга милoddан аввалги VII асрда Турон давлати шаклланишига асос солган буюк хокондир... Эронликлар Алп хоконни Афросиёб деб атаганлар. Огзаки ва ёзма адабиётда Алп Эр Тўнганинг баходирлигини мадх этувчи катта дoston яратилган. Дoston кахрамонлик мавзуида бўлиб, унинг тикланиши туркий халқдар дostonчилиги тарихини милoddан аввалги асрлардан бошлашга имкон беради» (А. Абдурахмонов. Алп Эр Тўнга ёки Афросиёб жангномаси. 1995 й., 2-6.).

Алп Эр Тўнга хақидаги шеърый дostonдан келиб чиккан холда адабиётшунос олимлар бу кахрамонга баҳо беришда таарихчиларимизга нисбатан анча дадил фикр билдирмоқдалар.

Тарихчиларимиз Алп Эр Тўнгага оид маълумотларни тирихий манбалардан тополмаганлари учун уларда «Алп Эр Тўнга тарихий шахсми ёки афсонавий кахрамонми?» деган иккиланишлар бор. Бунинг яна бир сабаби - Фирдавсийнинг «Шохнома» асарида Афросиёб салбий кахрамон килиб кўрсатилганлигидир.

Бухоро тарихига оид жуда кимматли маълумотлар берган Наршахий ёзади: «Афросиёб Ромтан (Ромитан) шахрини бунёд килган. Ромтан Бухородан кадимийрокдир. Афросиёб хар вақт бу вилоятга келганда Ромтанда турган, бошка жойда турмаган. Форсийларнинг китобларида айтилишича, Афросиёб икки минг йил яшаган ва жодугар бўлган, асли Нух пайгамбарнинг ўғилларидан экан. У ўзининг Сиёвуш номли куёвини ўлдирган.

Сиёвушнинг Кайхусрав номли ўғли бўлиб, отасининг хунини талаб килиб, Афросиёбни ўлдирди. Афросиёбнинг кабри Бухоронинг Маъбад дарвозаси яқинидаги катта тепалик устидадир»(Наршахий. Бухоро тарихи. 1991 й., 98—99-бетлар.).

Наршахий ўз номидан келтирган тарихий фактларда Афросиёбнинг бунёдкор подшоҳ бўлганини, Бухородан хам кадимийрок Ромитанни курганлигини, бу вилоятга келганда

доим шу Ромитанда турганлигини, «Афросиёб» номи билан бизгача етиб келган тарихий Ромитан калъаси ўз даврининг подшолари турадиган пойтахт шаҳар бўлганини ёзади. Биз Бухоронинг 2500 йиллик тўйини ўтказдик. Агар Ромитан ундан ҳам олдин қурилган бўлса, демак, бу жойни қурдирган Алп Эр Тўнга — Афросиёб милоддан олдинги еттинчи асрда яшаб ўтганига ишониш мумкин.

Наршахий келтирган яна бир муҳим факт — Афросиёбнинг Қайхусрав томонидан ўлдирилганлиги ва Бухоронинг Маъбад дарвозаси ёнидаги баланд тепаликка дафн этилганлиги ҳам унинг чиндан яшаб ўтган тарихий шахс бўлганидан далолат беради. Наршахийнинг бу маълумотлари тарихий асосга эга бўлганини Юсуф Хос Хожибнинг «Қутаду билиг»да ёзган қуйидаги сатрлари тасдиқлайди:

Тожиклар аюр ани Афросиёб,  
Бу турк бекларидин, опги белгулук,  
Тўнга Алп Эр эди кути белгулук.

Махмуд Кошгарий «Девону луготит турк»да Юсуф Хос Хожиб билдирган фикрни янада аниқроқ баён қилади:

«Туркларнинг машҳур қахрамони Афросиёбни Алп Тўнга деб аташларига сабаб, унинг шерни йикитадиган ботир паҳлавон бўлганлиги эди» ( Махмуд Кошгарий. Девону луготит турк. III жидд. 1960 й., 272-б.). (яъни яхши номи: тарихий сиймо бўлгани белгулук) деб таъкидлаб айтилишига муҳим сабаб бор.

Айрим форсий манбалар тарихий шахс бўлган Алп Эр Тўнгани икки минг. йил умр кўрган жодугар Афросиёб деб атаб, афсонавий ёвуз қахрамонга айлантириб юборганликлари асоссиз уйдирма бўлганлиги учун бу уйдирмани Юсуф Хос Хожиб ҳам, Махмуд Кошгарий ҳам аниқ тарихий фактлар ёрдамида инкор этадилар. Наршахий икки томонга ҳолис муносабатни билдиргиси келгани учун бу уйдирма афсонани «форсийларнинг китобларида езилишича, Афросиёб икки минг йил яшаган ва жодугар бўлган» деган сўзлар билан ифодалайди, ўзи эса аниқ тарихий фактлар билан Афросиёбнинг Ромитан шаҳрини қурган бунёдкор тарихий шахс бўлганини кўрсатади.

«Ўзбек миллий энциклопедияси»да Афросиёбнинг «Авесто»да яна учинчи бир ном билан тарихга кирганлиги ёзилади: «Афросиёб — мифологик образ, «Авесто»да «Франг-Крисян» деб аталган» дейилади. Кейинчалик бу ижобий образ Фирдавсийнинг «Шохнома»сига Афросиёб номи билан фаолияти салбийлашган ҳолда ўтади.

Энциклопедияда Афросиёбга муносабат масаласида бир муҳим нукта кўрсатиб ўтилади: «Афросиёбнинг Эрон подшоҳлари билан жангга киришуви, яъни Эрон билан Туроннинг мифологик рақобати гоёси «Авесто»да йўқ. Афросиёбни Эрон шоҳларининг душмани қилиб кўрсатиш гоёси ёзма адабиётга биринчи бўлиб Фирдавсий «Шохнома»си орқали кирган... Бу талқинда Фирдавсий замони учун муҳим бўлган турк давлатчилиги ва Эроний давлатлар орасида тарихий юзма-юз туриш — харбий-сиёсий муҳолифлик ўз аксини топган»(Ўзбек Миллий Энциклопедияси. I жилд. 2000 й., 517-б.).

Ана шу харбий-сиёсий муҳолифлик Афросиёб — Алп Эр Тўнгага муносабат туркий тилли манбаларда ижобий, «Шохнома» каби форсийзабон манбаларда салбий бўлишига олиб келган.

Қадим замонларда Эрон ва Турон орасида бўлиб ўтган сиёсий-харбий муҳолифатлар аллақачон узок ўтмишга айланди. Бугун кўшни халқларни бир-бирига яқинлаштирадиган тарихий фактларга кўпроқ эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Туркийзабон ва форсийзабон халқлар Марказий Осиёда азалдан кўни-кўшни, қуда-анда бўлиб яшаб келадилар. Наршахий «Бухоро тарихи»да, Юсуф Хос Хожиб «Қутаду билиг»да, Махмуд

Кошгарий «Девону луготит турк»да Алп Эр Тўнга — Афросиёбнинг бунёдкор тарихий шахс бўлгани хакида гувоҳлик берган эканлар, биз буни нега инобатга олмаслигимиз керак? Юсуф Хос Хожибдек буюк шоир Алп Эр Тўнганинг номини форсийзабон муаллифлар ўз талаффузларига мослаб Афросиёб деб атаганларини аник килиб ёзган бўлса, бунга ишонмасликка қандай асосимиз бор? Буларнинг ҳаммасини инкор этиб, Афросиёбни икки минг йил яшаган жодугар, золим килиб кўрсатган афсоналарга ишониш илму фан талабларига мутлако жавоб бермайди-ку.

Афросиёб номини олган Алп Эр Тўнга бугунги Ўзбекистон худудида яшаган эллар хотирасида бунёдкор шахс сифатида яхши из қолдирган бўлса керакки, Самарқанд яқинида қурилган қадимий шаҳарни ҳам Афросиёб деб атаганлар. Бухоро вилоятидаги Ромитан қалъасидан ташқари Тошкент шаҳрининг Мингўрик мавзеида жойлашган яна бир қадимий шаҳарча ҳам Афросиёб номини олганлиги тасодиф эмас.

Азалдан маълумки, жой номларини маълум бир шахснинг исми билан аташ шу жойда яшаган элнинг унга ижобий муносабатини билдиради. Юқорида айтиб ўтилган жойларга Афросиёб номини бериш билан бу ерда яшайдиган форсийзабон эллар ҳам Афросиёб — Алп Эр Тўнга номига ўз хурматини билдиргани ўз-ўзидан аён.

Тарихий фактларга мана шу нуқтаи назардан ёндашганда ўзбек ва тожик халқлари орасида бир-бирларининг тарихий қахрамонларига иззат-хурмат азалдан яхши бир анъана бўлганига имон келтирамиз.

Кўришиб турибдики, жой номлари ва қахрамонларнинг исмлари ҳам тил ва тарих муаммоларини хал қилишда жуда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Албатта, Алп Эр Тўнга тарихий шахс сифатида қачон яшаб ўтганини, қаерларда фаолият кўрсатганини аник-лаш учун тарихчиларимиз яна янги тадқиқот ишлари олиб боришлари керак. Лекин биз, адабиётшунослар, Алп Эр Тўнгага бағишланган қадимий дostonнинг бизгача етиб келган қисмларини энг нодир тил ва адабиёт обидаларидан бири, деб биламиз. Бундан икки минг олти юз йил олдин ёзилган сатрларда дилимизга яқин маънолар, она тилимизнинг умрбоқийлигини кўрсатадиган сўз ва ибораларнинг кўплига қишини хайратга қолади.

Дostonда Алп Эр Тўнга тилидан қуйидаги ажойиб сўзлар айтилади:

Билиқни юғарман,  
Қўнғилни тугарман.  
Улугни тиларман,  
Тилақни бўларман.

Маъноси:

Билиқни йигарман,  
Қўнғилни қистайман.  
Улуглик тиларман,  
Тилақни йўқларман.  
(А. Қаюмов таржимаси)

Алп Эр Тўнганинг эл-юрт орасида суюқли қахрамон бўлгани хақидаги сатрлар:

Қачон кўрса ани турк,  
Бузун анга ани айдақи,  
Мунгар тагир улуглик,  
Мундин нари қеслинур.

Маъноси:

Качон кўрса уни турк,  
Шодликка тўлар тўлик,  
Унда бордир улуглик,  
Сира бу сўзда лоф йўк.

(А. Абдурахмонов таржимаси)

Алп Эр Тўнга яшаган қадимги даврларда туркий халқлар хали алоҳида миллатларга ажралмаган эди. Шунинг учун «Алп Эр Тўнга» достони барча туркий халқларнинг умумий маданий обидаси ҳисобланади.

Айни вақтда, Афросиёб деб аталган жой номлари ва биз юқорида келтирган шеърий сатрларнинг ўзбек адабий тилига бехад яқинлиги шундан далолат бердики, Алп Эр Тўнга кўпроқ Марказий Осиёда, Туркистон ўлкасида фаблият кўрсатган. Пахлавон ботирларни Алп деб улуглаш ҳам шу минтақада кенг тарқалган анъанадир. «Алпо-миш» достонининг минг йиллиги Ўзбекистонда нишон-лангани ҳам мана шу тарихий анъанадан келиб чиқади. Икки ярим минг йилдан буён туркий халқларнинг тилла-рида достон бўлиб келаётган Алп Эр Тўнганинг абадий қароргоҳи Ўзбекистон тупроғида, яъни Бухоро шаҳрининг баланд бир тепалиги устида бўлганлиги ҳам унинг Турон-замин фарзанди эканини исбот этади.

Достонда кўрсатилишича, Алп Эр Тўнгани Эрон шоҳи Қайхусрав зиёфат пайтида майга захар кўшиб бериб ўлдиради.

Ўлими муқаррарлигини сезган Алп Эр Тўнга садокатли ёрини эслайди ва яқин одамларидан илтижо қилади:

Туркон хотун кутинга  
Тегур мендин кўшуг.  
Айгил сизнинг тобугчи  
Ўтнур янги тобуг.

Туркон хотун хузурига  
Мендан еткур видо кўшугин.

Айтгин: менга қилган хизматини

Қилар тобугчи энди унга.

Достоннинг бизгача етиб келмаган қисмларида Алп Эр Тўнга ўз жасадини ватанига элтиб дафн этишни васият қилгани ҳам айtilган бўлиши эҳтимолга яқин. Шу васиятга биноан уни Бухоронинг баланд бир тепалиги устига дафн этган бўлишлари керак.

Турон маликаси севиқли Алп ёрини эслаб мусибат чекади:

Борди кўзум ёруки,  
Алди ўзум кўнуки.  
Қанда эринг қаники,  
Эмди ўзни узгурур.

Таржимаси:

Кетди кўзимнинг нури,  
Кетди танамнинг руҳи.  
Қайдан топай севганим,  
Қолди чеки йўқ қайгу.

Энг таъсирли сатрлар халк томонидан кахрамон ўлимига атаб яратилган марсиядир:  
Алп Эр Тўнга ўлдиму,  
Эсиз ажун колдиму,  
Озлак ўчин олдиму,  
Эмди юрак ииртилур.

Бундай изтиробга тўла самимий сўзларни факат чиндан яшаб ўтган ва эл-юрт орасида севимли бўлган кахрамон хакидагина айтиш мумкин.

Каранг: Алп Эр Тўнганинг ўлимидан мусибат чекканларнинг юраклари йиртилиб кетгудек бўлади. «Эсиз ажун» деган сўзлар «изсиз, ўткинчи, бевафо дунё» деган маънони билдиради.

«Озлак» дегани «вакт, замона» маъносида келади.

Алп Эр Тўнга каби кўп жанг қилган ботирларнинг душмани кўп бўлади. Улар вакт, замона тимсолида энди ботирдан ўчини олади.

Алп Эр Тўнга хакида энг кўп ва аниқ маълумот берган буюк асар тўрт жилдлик «Девону луготит турк»дир. Махмуд Кошгарийнинг ёзишича, Алп Эр Тўнганинг кизи Каз (Ок гоз) Эрон подшосига узатилади. Бу киз хам Эронда шахарлар бунёд қилишга интилади. Казвин шахри Алп Эр Тўнганинг Эронга тушган Каз номли мана шу малика кизи томонидан барпо этилади.

Алп Эр Тўнганинг Бакан ва Барсаган деган ўгиллари Фаргона вадийсида хукмронлик қиладилар. Махмуд Кошгарий берган маълумотга кўра, Барсаган шахрига Алп Эр Тўнганинг Барсаган номли ўгли асос солади. Махмуд Кошгарий ўз бобоси билан бу шахарда анча йил яшаганини ёзади. Бу шахарда етакчи тил - туркий бўлади.

Самарканддан Барсаганга кўчиб келган сугдлар икки тилда - хам сугдча, хам туркча сўзлашишлари «Девону луготит турк»да кўрсатиб ўтилади.

«Алп Эр Тўнга» достонининг бизгача етиб келган айрим парчалари Алп хоконнинг шарқда уйгурлар билан жанг қилгани, Эртиш дарёси бўйларига кўшин тортиб бориб, басмил кавмини бўйсундирганига багишланади. Шу маълумотларга караганда, у барча туркий халкларни бир давлат қилиб бирлаштиришга интилади.

Бирок Алп Эр Тўнганинг ўлимидан кейин турк давлатчилиги узок вакт инкирозли асрларни бошдан кечиради. Нихоят, VI-VII асрларга келиб Билге хокон ва унинг кахрамон иниси Култегин даврларида турк будуни (халки) қайтадан кад ростлайди. Биз буни Ўрхон ва Энасой дарёлари бўйида VI—VII асрларда тошга битилган достонлардан биламиз.

«Билге хокон ва Култегин» достонларини «Алп Эр Тўнга жангномаси»га киёс қилсангиз, орада минг йиллик нақг ва шунча узок масофалар бўлишига карамай, ички бир яқинлик борлигини сезасиз.

«Билге хокон ва Култегин» достонлари дастлаб насрий бир солнома деб ҳисобланган эди. Кейинчалик туркшунос олима И. В. Стеблева уларнинг ички тузилишини синчиклаб ўрганиб, асарда ритм, турок, кофия ва бошка поэтик белгилар борлигини аниқлади. Шундан кейин «Билге хокон ва Култегин» туркий тилда битилган ажойиб бир кахрамонлик достони шаклида қайта тикланди.

Бу достонда хам кахрамонларнинг жангларда эришган галабаларига катта ўрин берилади:

Киркиз, курикан, отуз татар,  
Китай, татабу кўп йаги эрмис.  
Кангим Каган бунча

Кирк артук ети йўли сулемис.

Таржимаси:

Киргиз, курикан (кавминг номи), ўттиз татар,

Хитой, татабу — хаммаси ёв эди.

Отам хокон ўшанча ёвларга карши

Кирк етти марта жанг килди.

Билге хокон ўз иниси Култегиннинг жангларда кўрсатган жасоратларини улуглайди.

Ога-ини жанг килиб Эртиш дарёсини неча бор кечиб ўтадилар, шаркда Хитой чегараларигача кўшин тортиб борадилар, Турон худудида Бойсунтогда жойлашган Темур Копугни (дарвоза) ҳам эгаллайдилар. Хозир бу жой Дарбанд деб аталади.

Култегин кирк етти ёшида халок бўлади. Билге хокон суюкли иниси учун канчалик каттик кайгу-мусибат чеккани тош битикда шундай ифодаланади:

Ўзим сакунтум,

Кўрур кўзим кўрмастек,

Билур билигим билмазтек бўлти.

Ўзим сакунтум,

Онча сакунтум,

Кўзда йаш калтар.

Бу ерда «согиндим» сўзи «сакунтум» шаклида келади. Чексиз кайгудан хоотири шу даражада паришонки, «билур билиги» ҳам эсидан чикиб билмасдек бўлган. Кайгунинг зўридан кўзида ёш калкийди (бу маъно «калтар» сўзи би-лан берилади).

«Алп Эр Тўнга» достони билан «Билге хокон» достони орасида роса минг йиллик фарк бор. Лекин она туркийимизнинг умрбокийлигини карангки, «тангри, хокон, би-лик, кўз, олтин, кумуш, тоғ, йўл, ўгил, киз, эл» каби минг-лаб сўзлар эрамиздан олдин яратилган «Алп Эр Тўнга» достонида қандай охори тўкилмай ишлатилган бўлса, ми-лодий VII асрдаги тош битикда ҳам шундай ёрқин жило бериб турибди.

Бу ҳар икки қахрамонлик достонидаги шеърий сатрлар деярли юз фоиз соф туркий сўзлардан таркиб топган-дир. Тош битикда сугдлар ўз номи билан «сугд» деб аталган. Хитой томонда яшайдиган бир халқ «табгач» номи билан тошга битилган. Татар, ўгуз, карлук, басмил каби туркий кавмлар ва Эртиш, Тангридоғ каби жуғрофий номлар ҳам аслига мос килиб аниқ ёзилган.

Тош битик Хитойдан таклиф қилинган уста сангтарош томонидан бажарилганлиги кўрсатилган. Шунингдек, бу муҳим ишнинг бошида Култегиннинг невараси Йўллуғ Тегин тургани ҳам айтилган. Йўллуғ Тегин тошбитикдаги сўзларни Билге хокон номидан бир ой ва тўрт кун давомида тошга ўйдирганини куйидагича ифодалайди:

Тош тўкидим,

Кўнгилдан сабимин

Тўкидим, битидим. Йўллуғ Тегин.

Тошга йўндириб ёздиришни у пайтларда «тўкитдим» (матони тўкитган каби) деган сўз билан билдиришган экан.

Йўллуғ Тегиннинг номи бугун ҳам кўп учрайдиган Йўлчи, Йўлдош деган исмларни эслатади.

Албатта, бир минг тўрт юз йил олдин тошга ўйиб ёзилган бу қахрамонлик достони барча туркий халқларнинг маънавий ва маданий меросидир. Шунинг учун «Билге хокон ва

Култегин» достонини козок, киргиз, туркман, озарбойжон, турк ва бошка кардошларимиз хакли равишда ўзларининг тил ва адабиётлари тарихига киритиб ўрганадилар. Улар катори биз ҳам бу умумтуркий адабий обидага тил ва адабиётимиз тарихидан алохида ўрин берамиз.

\* \* \*

Улкан дарёлар тиник булоқлардан сув олганидек, адабий тилимиз минг йиллар давомида мана шундай соф туркий манбалардан обихаёт олиб, бойиб борган.

Тил дарёси ўз йўлида учраган турли ўлкалар бўйлаб олга боргани сари унга янги-янги ирмоқлар келиб кўшилади. «Кутадгу билиг» ва «Девону луготит турк» асарлари Шаркий Туркистонда ва Туронда яшаган халқларнинг тил бойликларини умумтуркий адабий тил дарёсига олиб келиб кўшган улкан ирмоқлар бўлди.

«Кут» сўзи ҳам «кут-барака», «кутлуг кун» сўзларида яшаб келмоқда. «Кут» сўзини биз илк бор қадимий тош битикларида учратамиз. «Билге хокон» исмининг ўзаги эса Юсуф Хос Хожибнинг достонида «Билиг» шаклида сар-лавхага чиқади. Орадан асрлар ўтгандан кейин «билиг» сўзини биз Ахмад Яссавий хикматларида кўрамиз. Орадан яна тўрт аср ўтгандан сўнг «кут» ва «билиг» сўзлари Алишер Навоий асарларига ҳам кириб келади.

«Кутадгу билиг» достонининг номини бизда «Саодатга йўлловчи билим» деб таржима қилиш холлари учрайди.

Бизнингча, бу таржима унча аниқ эмас. Айниқса, «билим» сўзи «билиг»нинг маъносини тўлиқ ифода қила олмайди. Тарихий илдизи чуқур бўлган «билиг» сўзини «донолик» деб изоҳласак, тўғрироқ бўларди. Чунки «Билге хокон» деган сўз азалдан «Доно хокон» маъносини билдириб келган.

Форс-тожик тилидан олинган «доно» сўзи аслида «дониш», яъни «билиш» ўзагидан олинган. Шунчаки билимли бўлиш билан доно бўлишнинг орасида катта фарқ бор.

Алишер Навоий «Насойим ул-мухаббат» асарида адиб Ахмад Югнакий тўғрисида маълумот бергач, қуйидаги байтни келтиради:

Сўнгахка иликдур,

Эранга билик.

Биликсиз эран ул

Иликсиз сўнгах.

Билиг — фақат билим эмас, эранларга хос донолик ҳам эканлиги бу сатрлардан англашилиб турибди.

«Кутадгу билиг» нинг ўзида ҳам «билге» сўзи «доно» маъносида кўп учрайди:

Билигсиз била ҳеч сўзим йўк менинг,

Э билге, ўзим уш топугчи сенинг.

«Билигсиз» бу ерда «нодон» маъносида келади. Иккинчи сатрдаги «Э билге!» деган мурожаат эса «Э доно, ўзим сен учун ижод қилмоқдаман» деган маънони билдиради.

«Кутадгу билиг»да «биликсизлар билгеларнинг ёғийси», «душмани» деган сатр ҳам бор. Демак, «Алп Эр Тўнга», «Билге хокон», «Кутадгу билиг» ва «Девону луготит турк»



асарлари туркий тилнинг бир ярим минг йилдан ортик давом этган ривожи хакида тасаввур беради. Тил тарихининг мана шу бир ярим минг йиллик жараёнларида ўзбек тилининг ўзига хос таракки-ёт йўли тадрижий тарзда қандай шаклланиб борганига эътибор берайлик.

Биз юкорида умумтуркий тил дарёсининг беҳад кенг ҳудудлардан оқиб ўтганини айтган эдик. Энг қадимги даврларда туркий элатлар тиллари бу дарёга ирмоқлар каби қуйилиб, уни бойитиб, қудратини ошириб боради. Асрлар ўтиши билан элатлар халқларга айланади, мамлакат-лар бир-бирларидан ажралиб чиқиб мустақил тараккиёт йўлига қиради. Хар бир эл яшаган жугрофий шароит ва хар бир халқ асрлар давомида бошдан кечирган тарихий воқеалар уларнинг тилига шундай ўзгачалиқлар бахш этадики, энди бу қардош халқлар бир-бирларининг тилларини таржимонсиз тушунолмайдилар. Узок қарбдаги туркияликлар, озарбойжон, туркман, қозок, қирғиз, бошқирд тиллари маққур халқлар ватан қилган улкан ҳудудларда ўз миллатига мос ва хос мустақил тиллар бўлиб шаклланди. Албатта, тилларимизнинг умумтуркий тарихий илдиэлари жойида турибди. Аммо бу илдиэлардан ўсиб қикқан шохлар бир-бирларидан анча узоклашиб қетган. Мана, бир қичик мисол. Қозок қардошларимиз Алишер Навоийнинг «Қадди Искандарий» қостонини ўз тилига таржима қилиб, қиройли қитоб шаклида нашр этишган. Қўриб миннатдор бўласиз.

Лекин муқовада Навоий номи «Науаи» деб ёзилган. Қозокча талаффуз қоидаси шуни талаб қилган бўлса қерак. «Қадди Искандарий» деган ном эса «Ескендир қоргани» деб ўзгартирилган.

«Қорган» қалъа деган маънони билдиради. «Қадд» эса қўргон эмас, буюк бир тўсиқ, тўгондир. Шунинг учун бу қостон рус тилига «Вал Искандера» деб таржима қилинган. Хар қалай, русча таржима аслиятга яқинроқ.

Албатта, хар бир тилнинг ўз талаффуз қоидалари бор. Масалан, «йўл» қозокчада «жўл» дейилади, «яхши» — «жакши», «ёмон» — «жаман», «йўқ» — «жўқ». Бу қипчок шевақига хос хусуқиятлардир. Ўғуз қавмида «тоғ» — «доғ» дейилади. «Темир — дамир», «тирик» — «дири» деб ёзилади. Бунга табиий бир хол деб қараймиз. Чунки қипчок ва ўғуз қавмлари ўзбек миллати таркибига ҳам қирган. Уларнинг тил бойлиқлари ўзбек адабий тилининг шаклланишига хизмат қилган. Лекин қипчок ва ўғуз шеваларининг ўзига хос хусуқиятлари бор. Ўғуз шевасида «а» ўрнига қўп холларда «э» ишлатилиши турк ва озарбойжон тилларига хос хусуқиятлардир.

Масалан, Аҳмад Яссавийнинг номи ва «Девони хикмат» қитоби турк-ўғуз талаффузига мосланган холда Аҳмед-и Йесеви. «Дивани Хикмет» деган ном билан нашр этилган.

Шу нашрдан яна бир мисол.

Аҳмад Яссавий байти:

Агар юз йил умр қўрса қаримас,

Агар ер остига қирса қуримас.

Туркча таржимаси:

Эгер юз йил омир бўлса йипранмаз,

Эгер йер олтина қирса қуримаз.

Аҳмад Яссавий асарларининг тили юкорида биз қаламга олган «Алп Эр Тўнга жангномаси» ва «Билге хокон» қостони, «Қутадғу билиг» ва «Девону луготит турк» асарларида шаклланган қадимий туркий тилнинг анъаналарини давом эттиради ва ривожлантиради.

Махмуд Кошгарий: «Турклар асли йигирма кабиладир, - деб ёзади. - Хар бир кабиланинг аллаканча уруглари бор». Барча туркий элларни кезиб чиккан бу буюк олим туркий элатларнинг тилларини бир-бирига киёслаб, ўз китобига «энг тўгри ва аник тил»ни асос килиб олишга интилади. «Тилларнинг энг тўгриси, яхшиси йагма, тухси кабилаларининг тилидир... Буларнинг орасида энг очик ва равон тил Хокония ўлкасида яшовчиларнинг тилидир».

Хокония ўлкасига ўша даврда Корахонийлар давлати таркибида бўлган Шаркий Туркистон, Фаргона водийси, Тошкент, Самарканд ва Бухоро кирганлиги тарихдан маълум. Ягмо, тухси, чигил карлук кабилалари ҳам мана шу худудларда яшаганлар. Ўгуз кабилалари Туркменистон, Озарбойжон ва Туркия томонларни ишгол килганлар. Кипчоклар кўпрок Дашти Кипчок номини олган шимоли-гарб томонлардаги кенгликларни эгаллаганлар.

Махмуд Кошгарий Хокония ўлкасида тугилиб ўсганлиги учун бу ўлка тилини жуда яхши билган ва уни ўз девонига асос килиб олган. Бу тилни ўгуз ва кипчок кабилаларининг тилларидаги ўзгачаликлар билан киёс килган. Масалан, ўгузлар туяни «дева» дейдилар. Хокония турклари «мен бордим» десалар, ўгузлар «бен бардум» дейдилар. Турклар «чумчук» десалар, ўгузлар бир харфни тушириб колдириб «чумук» дейдилар, «келдим» сўзини «г» билан «гелдим» деб айтадилар, «келган» сўзида «г» харфини тушириб колдириб, «келан» дейдилар.

Шу сабабларга кўра, Махмуд Кошгарий ўгуз тилини ҳам, кипчок тилида «йўл»ни «жўл», «яхши»ни «жахши» деб айтишларини ҳам умумтуркий тилнинг коидаси тарзида кабул килмайди. «Девону луготит турк»да энг кадимий туркий тил намуналари сифатида Алп Эр Тўнгага багишланган тўртликлар келтирилгани бежиз эмас. Чунки Алп Эр Тўнганинг хаёти ва фаолияти кадимий Турон ва Туркистон билан чамбарчас богликцир.

Кейинчалик Корахонийлар даврида бу улкан худуд Хокония ўлкаси деб аталган.

Алп Эр Тўнга ўз даврининг энг буюк хокони бўлганини хисобга олсак, ўлкани «Хокония» деб аташда Алп Эр Тўнга хоконлиги ҳам назарда тутилган, деб хисоблаш мумкин. Бир чеккаси шу сабабдан «Алп Эр Тўнга» достонининг тилини Фитрат каби машхур олимимиз «Кадимги Хокония тили» деб атаган эди. Бизнинг асосий мавзуимизга оид энг мухим нукта шуки, «Алп Эр Тўнга» достонининг тили ҳам, «Билге хокон ва Култегин» достонининг тили ҳам, «Кутадгу билиг» ва «Девону луготит турк» асарларининг тили ҳам кипчок ва ўгуз шеваларига асосланган козок, турк ва бошка бир канча туркий тиллардан кўра, ўзбек адабий тилига якинрокдир.

Чунки шартли равишда хокония деб аталган энг кадимий адабий туркий тил икки минг йилдан ортик тарихга эга бўлган Самарканд, Бухоро, Термиз, Тошкент, Ўш, Кува каби шахарларнинг ўтрок туркий ахолиси томонидан яратилиб, сайкал берилган.

Кадимий туркий шахарлар азалдан маданият марказлари сифатида адабий тилнинг тўгри шаклланишига хизмат килиб келган.

Биринчи марта Алп Эр Тўнга бунёд этган Афросиёб шахри (кадимги Самарканд)нинг номи Семизкент бўлган экан. Наршахий берган маълумотларга кўра, Зарафшон суви лойкаларидан пайдо бўлган хосилдор ерларга илк бор Туркистон томонлардан туркий тилли ахоли кўчиб келиб, обод манзил барпо килган экан ва унга Бумискент (бошка бир манбада Нумижкент) деб ном берган эканлар.

Тошкент номи ҳам туркий эл томонидан кўйилган ички маъносидан кўриниб турибди. Шу келтирилган барча далиллар туркий тиллар ривожига ўзбек тилининг ўзига хос тараккиёт йўли маданият марказлари бўлган кадимги шахарларимиз тарихи билан

боглик бўлганлигини исбот этади.

Тарих ва такцир такососи билан халкимиз Туркиядан Олтойгача бўлган улкан худудни эгаллаган туркий элларнинг марказий кисмида яшашга, Алп Эр Тўнгадай афсонавий баходир Афросиёб шахарлар куриб колдирган Самарканд, Бухоро, Тошкент хамда Фаргона водийси ва Хоразм вохасини ватан килишга мушарраф бўлди. Ўзбек тили хам мана шу жугрофий ва тарихий шароитга мувофик равишда туркий тиллар дарёсининг марказий ўзанидан ва умумтуркий тиллар шажара дарахтининг ўк илдизидан озикланиб, мумтоз бир тараккиёт йўлини босиб ўтди.

Пиримкул Кодиров